



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 29 » декабрь

ПФ–263 -son

Саноат лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика ҳудудида саноатни ривожлантириш, саноат лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча захираларни яратиш ҳамда Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб саноат тармоқларида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, саноат ипотекаси тизими орқали молиялаштириш учун Саноатни ривожлантириш жамғармасининг **185 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги қўшимча маблағларини шакллантириш белгилансин.

II. Саноатни ривожлантириш жамғармасига қўшимча молиявий ресурслар

2. Саноатни ривожлантириш жамғармасининг қўшимча маблағларини шакллантириш мақсадида:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари мутаносиблигини таъминлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари

ҳисобидан очилган кредит линияларини мақбуллаштириш орқали **185 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни саноат лойиҳаларини молиялаштириш учун 2026 йилда Саноатни ривожлантириш жамғармасига қайта тақсимлашга рухсат берилсин;

- (б) мазкур молиявий ресурслар доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 декабрдаги “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги ПҚ–397-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилиши инobatга олинсин.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

3. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси:

- (а) Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин ҳамда ҳар чорақда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини муҳокама қилиб борсин;

- (б) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан саноат тармоқлари учун ажратилган кредит линияларидан самарали фойдаланиш ҳолатини доимий таҳлил қилган ҳолда, зарур ҳолларда, уларни мақбуллаштириш ва мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан Саноатни ривожлантириш жамғармаси орқали лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев белгилансин.

6. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 29 декабрдаги ПФ–263-сон Фармони
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 майдаги “Пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида бозор механизмларини жорий қилишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–72-сон Фармони 14-банди биринчи хатбошисидаги “30 миллион АҚШ доллари” сўзлари “15 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–102-сон Фармони 1-банди “а” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “50 миллион АҚШ доллари” сўзлари “10 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–104-сон Фармонида:
 - (а) 5-банди “а” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “100 миллион АҚШ доллари” сўзлари “20 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (б) 4-иловасининг 2-позицияси “Амалга ошириш механизми” устунисидаги “100 миллион АҚШ доллари” сўзлари “20 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 январдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–13-сон Фармонининг 6-банди иккинчи

хатбошисидаги “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 50 миллион АҚШ доллари” сўзлари “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 30 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги “Хоразм вилоятида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–89-сон қарорининг 1-банди биринчи хатбошисидаги “60 миллион АҚШ доллари” сўзлари “30 миллион АҚШ доллари” сўзлари билан алмаштирилсин.

